



Classification of administrative and legal disputes by sector: administrative and legal disputes arising in the customs field

Makhmud ESHIMBETOV¹

Judge of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2025
Received in revised form
15 July 2025
Accepted 25 July 2025
Available online
15 August 2025

Keywords:

customs sphere,
classification,
public-legal relationship,
administrative-legal
relationship,
private-legal relationship,
administrative-legal dispute,
administrative court,
action (inaction),
administrative document,
subjective right,
external subject,
administrative authority,
legal consequence,
asymmetry.

ABSTRACT

This article analyzes the main characteristics of administrative and legal disputes arising in the customs sphere, specifically examining the concepts of administrative body, administrative document, and administrative action (or inaction).

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss7/S-pp1-5>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ PhD, Independent researcher, Supreme School Judges with the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan, Judge of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. E-mail: lawyerdar72@gmail.com

Маъмурий-ҳуқуқий низоларни соҳалар бўйича таснифлаш: божхона соҳасида келиб чиқувчи маъмурий-ҳуқуқий низолар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

божхона соҳаси,
таснифлаш,
оммавий-ҳуқуқий
муносабат,
маъмурий-ҳуқуқий
муносабат,
хусусий-ҳуқуқий
муносабат,
маъмурий-ҳуқуқий низо,
маъмурий суд,
ҳаракат (ҳаракатсизлик),
маъмурий ҳужжат,
субъектив ҳуқуқ,
ташқи субъект,
ҳокимият ваколати,
ҳуқуқий оқибат,
асимметрик

Мазкур мақолада божхона соҳасида келиб чиқувчи маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг асосий белгилари, хусусан маъмурий орган, маъмурий ҳужжат, маъмурий ҳаракат (ҳаракатсизлик) таҳлил қилинган.

Классификация административно-правовых споров по отраслям: административно-правовые споры, возникающие в таможенной сфере

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

таможенная сфера,
классификация,
публично-правовые
отношения,
административно-
правовые отношения,
частно-правовые
отношения,
административно-
правовой спор,
административный суд,
действие (бездействие),
административный
документ,
субъективное право,
внешний субъект,
властные полномочия,
правовые последствия,
асимметрия.

В данной статье анализируются основные характеристики административно-правовых споров, возникающих в таможенной сфере, в частности, административный орган, административный документ, административное действие (бездействие).

Маъмурий органлар томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар, шунингдек, уларнинг маъмурий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилиш имконияти – ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белгиси

сифатида, фуқароларнинг суд орқали ҳимоя ҳуқуқини таъминлайди. Бу суд назорати шакли фуқаролар ва юридик шахслар учун маъмурий органларнинг маъмурий ҳужжатлари ва ҳаракатларини ҳуқуқий баҳолаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда маъмурий органлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Шу маънода, 2017 йилда мамлакатимиз тарихида илк маротаба маъмурий судлар ташкил қилинганлиги фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 33-сонли Қарори мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Президентимизнинг мазкур Қарорлари билан “Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси” тасдиқланиб, унда устувор вазифалардан бири сифатида маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаштириш, уларнинг ҳуқуқий белгилари ва бошқа ўхшаш ҳуқуқий муносабатлардан фарқли жиҳатларини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

Бу эса ўз навбатида судловга тааллуқлилиқ масаласини ҳал этишдаги муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда МСИЮтК деб юритилади) 4-моддаси[2] нинг биринчи қисмига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли.

МСИЮтК 26-моддасининг биринчи қисмига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир...

МСИЮтК 27-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

МСИЮтК 184-моддасининг иккинчи қисмига кўра, маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, судда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 409⁷-моддасининг биринчи қисмига кўра, божхона органларининг қарорлари, ушбу органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга берилган шикоятлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу соҳада юзага келадиган низоларнинг судловга тааллуқлилиги масаласини ҳал қилишда маъмурий орган, маъмурий ҳужжат, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, шунингдек маъмурий-ҳуқуқий низо ҳуқуқий категорияларининг маъносини тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, маъмурий органлар деганда, маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар тушунилади.

Маъмурий ҳужжат деганда, маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси тушунилади. (Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси). Ушбу қонун нормасидан келиб чиқиб маъмурий ҳужжатни бошқа ҳужжатлардан қуйидаги белгилар орқали ажратиш лозим:

*маъмурий орган томонидан қабул қилиниши;
ташқи субъектларга йўналтирилиши;
ҳокимият ваколати асосида қабул қилиниши;
ҳуқуқий оқибатни юзага келтириб чиқариши;
аниқ (индивидуал) бўлиши*[3].

Ҳаракат деганда қарор шаклида ифодаланмаган, бироқ юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади. Ушбу ҳуқуқий категориялар маъмурий орган иродасини ифода этади ҳамда оммавий муносабатларга киришишда асосий восита бўлиб хизмат қилади[4].

Юқоридаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига кўра, божхона органлари маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишда маъмурий орган мақомига киради ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнида маъмурий ҳужжатлар қабул қилиб, маъмурий ҳаракатларни амалга оширади.

Маъмурий орган томонидан қабул қилинган ҳужжат юзага келган низонинг табиатини белгилаб беради. Агар ушбу ҳужжат маъмурий бошқарув ваколатларини амалга оширувчи орган томонидан қабул қилинган бўлса ва у фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқларига дахл қилса, у ҳолда бундай низо “маъмурий-ҳуқуқий низо” сифатида баҳоланади.

Маъмурий-ҳуқуқий низо – бу маъмурий органлар томонидан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий қарама-қаршилик сифатида қаралади. Бундай низо маъмурий орган ва шахс ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий фаолият натижасида пайдо бўлиши мумкин. Яъни, шахснинг маъмурий субъектив ҳуқуқларнинг бузилиши, тан олинмаслиги ёки уларни таъминлаш учун маъмурий орган томонидан маъмурий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш (ёки қўлламаслик) натижасида вужудга келади.

Маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг асосий ҳуқуқий хусусияти-ассимметриклик ҳисобланади.

Мазкур асимметрия маъмурий-ҳуқуқий низоларни хусусий-ҳуқуқий низолардан кескин фарқ қилувчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Чунки маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда давлат органи мажбурлаш воситаларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлса, бошқарув объекти бундай ваколатларга эга бўлмайди. Хусусий-ҳуқуқий муносабатларда томонлар ҳуқуқий тенглик асосида ҳаракат қилса, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда эса бир тараф бошқарув ваколатига эга, иккинчи тараф эса бошқарув объекти ҳисобланади. Бу ҳолат маъмурий органнинг бир томонлама маъмурий ҳужжат қабул қилиш, маъмурий ҳаракатларни амалга ошириши ваколатига эга экани, бошқарув объекти эса асосан ҳуқуқий ҳимоя чоралари билан чеклангани билан изоҳланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

-божхона органларининг маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида қабул қилган маъмурий ҳужжатлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг маъмурий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 409⁷-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ судга шикоят қилиш мумкин;

- бу низоларни божхона соҳасида келиб чиққан низолар сифатида таснифлаш мумкин;

- бундай низолар маъмурий органлар томонидан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келганлиги, шахснинг маъмурий субъектив ҳуқуқлари билан боғлиқлиги сабабли маъмурий-ҳуқуқий низо ҳисобланиб, МСИЮТК 26-моддасининг биринчи қисмига кўра маъмурий суд судловига тааллуқли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. 2016-yil 7-dekabr.– T.: O'zbekiston, 2017. – 48 b.

2. O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risidagi kodeksi 189-moddasining beshinchi qismi. 102-b. "Yuridik adabiyotlar publish" nashriyoti. T.: 2021.

3. Nematov J.N. O'zbekiston ma'muriy protseduralar qonunchilik asoslarining tahlili (ma'muriy akti sud amalliyotida qo'llash misolida). // Huquqiy tadqiqotlar jurnali 2019. – B. 65. (Nematov J. Analysis of the legislative bases of the administrative procedures of Uzbekistan (On example of application of the administrative act in judicial practice)).

4. Eshimbetov M.U. Ma'muriy organlar va ular mansabdor shaxslarining qarorlari, harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan kelib chiquvchi nizolarni sudda ko'rib chiqish tartibini takomillashtirish: dissertatsiya avtoreferati //Yu.f.f.doktori/ -T.: 2023.